



Мулла Али Қорининг ҳаёти ва ижоди

Мухаматдинов Ҳазаратдин

Тошкент ислом институти талабаси

Аннотация: Мазкур мақола Твфсир илмига катта ҳисса қўшган олим Мулла Али Қорининг ҳаёти ва ёзган асарлари ҳақида маълумот бердим.

Калит сўзлар: Мулла Али Қори, Муаллат, Шайх Қутибиддин ал-Маккий ва Бадриддин аш-Шаҳобий ал-Ҳанафий, Шайх Муҳаммад ибн Абул Ҳасан ал-Бакрий ал-Мисрий, Юсуф ибн Абдуллоҳ ар-Румийлар

Ўрта Осиё замини неча-неча олиму-уламо, фозилу-фузалоларнинг бешигини тебратиб, жаҳон саҳнасига олиб чиққани, диний ва дунёвий илмларининг асослари ҳам айнан мана шу юртда яратилгани, сайқал топгани ҳозирда барчамизга маълум. Шундай экан, буюк аجدодларимиз қолдирган беназр болйлик илмий ва маданий меросни кўз қорачиғидай авайлаб асраш, уларни ўрганиш биз авлодлар учун ҳам фарз ҳам қарз. Зеро, “жамият тараққитининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган куч бу маърифатдир. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади¹”.

Ҳирот шаҳрида вояга етган забардаст алломалардан бири мутакаллим, муҳаддис, факих, муфасссир ва суфий Мулла Али Қорий²дир. “Али Қорий” номи еса унга қироат илмида мазир бўлгани ва Қуръонни ниҳоятда чиройли овоз билан

¹ И.Каримовнинг сўзлари

² Унинг тўлиқ номи Шайх Нуриддин Абул Ҳасан Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий ал-Ҳиравий ал-Маккий ал-Ҳанафий



тиловат қилгани учун берилган. Шунингдек ўз даврида уломалар орасида нуриддин ва Абул Ҳасан номи билан танилган.

Алломанинг туғилган йили ҳақида манваларда аниқ маълумотлар учрамайди, фақат баъзи манбаларда темурийлар ҳукмронлиги даврида, XV асрда яшаб-ижод қилгани қайд етилган. Лекин мабаларда уни Ҳиротда туғилгани, кейинчалик маккага кўчиб ўтиб, ўша ерда муқим яшаб қолгани ва 1014/1606 йили шаввол ойида макка шаҳрида вафот етгани таъкидланади. Баъзи ривоятларда алломанинг “Муаллат” деган жойга дафн қилингани айтилади.

Имом Али қорийнинг Ҳиротда улғаяди ва ўша ерда илм таҳсилини бошлайди. Шайх Муъиниддин ибн Ҳофиз Зайниддин Ҳиравийдан тажвид қойдалари ва қироат илмини ўрганиб, қуръни каримни тўла ёд олади. Шунингдек бошқа илмларни ҳам замонасининг таниқли олимларидан ўзлаштиради. Алломанинг талабалик вақтлари темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Ҳирот шаҳри еса давлат пойтахтима маданият маркази бўлган.

Олимнинг яшаш даври хирот илму-фанининг инқироzi ва орқага қайтган даврига тўғри келади. Ислomшунослик номи билан машҳур бўлган, Сафавийлардан бўлмиш Шох Исмоил ибн Ҳайдар ҳукмронлиги пайтида рофизийларнинг қўли баланд келиб, акидалари кенг тарқала бошлаганидан сўнг кўпчилик уломалар каби Мулла али Қори ҳам чорасизликдан мамлакатни тарк этади. Тарихчи олимлар Мулла Алининг нечанчи йилда ўз юртидан чиққанлигини қайд қилишмаган, лекин Макка шаҳрига кириб бориш санаси хижрий 952 йилга тўғри келади, деб маълумот қолдиришган. Бу эмин шаҳарда аллома яна илмга шўнғийди.

У Макка шаҳрига киргач турмиш тарзи яхшиланади. Мулла али Қорий машойиқлар ва олимлар ҳалқасида кўплаб илмларни ўрганди. Маккада у яна қироат илмини ўрганишни давом еттиради. Шайх Сирожиддин Умар Яманийдан етти хил



қироат илмини таҳсил олади. Шунингдек, у Макка шаҳрида ҳадис илмидан ҳам сабоқ олади. У яна Шайх Қутибиддин ал-Маккий ва Бадриддин аш-Шаҳобий ал-Ҳанафий³, Шайх Муҳаммад ибн Абул Ҳасан ал-Бакрий ал-Мисрий⁴, Юсуф ибн Абдуллоҳ ар-Румийлар⁵ каби араб ва ажамлар орасида катта ҳурмат ва этиборга ега бўлган уломалардан фикҳ, тафсир, қироат ва бошқа бир қанча диний билимлардан таҳсил олишга муяссар бўлган.

Мулла Али Қори ноёб заковат, ўткир зеҳн, нозик фаҳму фаросат ва комил ақл соҳиби бўлган. Илм олиш йўлида унга дуч келган барча машаққатларни сабр ва матонат билан енгиб ўтган. Алломанинг юқорида номлари зикр қилинган барча устозлари ишончли силсила орқали келаётган илм соҳиблари бўлишган. Аллома мана шундай етук устозлардан илм олиш насиб этган.

Фойдаланилган адабиятлар

- [1] В.М. Масон, В.А.Ромодин “История Афганистана”. М.: М.Наука. 1965 г., 2-т. 17-стр.
- [2] В.М. Масон, В.А.Ромодин “История Афганистана”. М.: М.Наука. 1965 г., 2-т. 18-стр.
- [3] Ҳозирги Арабистон ярим оролининг қадимги номи (муал.)
- [4] Стенли Лен-Пуль. “мусльманские династи” – Т.: Узбекистон, 1996 г. 350-стр.
- [5] Всемирная история (в 10-ти томах). -М.: Издательство социально-экономической литературы”, 1958 г, 4 том, 591-601 стр.

³ Макка муфтийларидан бўлган

⁴ Макка муфтийларидан бўлган

⁵ Макка муфтийларидан бўлган